

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 07/27.02.2020. Yu/ 108.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

САЙДАХМЕДОВ УМИД МУРОДОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВЛАРДАН
Фойдаланишнинг Халқаро-Ҳуқуқий жиҳатлари**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Сайдахмедов Умид Муродович

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-
ҳуқуқий жиҳатлари..... 3

Saydakhmedov Umid Murodovich

International legal aspects of the use of transboundary waters in Central Asia..... 25

Сайдахмедов Умид Муродович

Международно-правовые аспекты использования трансграничных вод в
Центральной Азии..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ..... 48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 07/27.02.2020. Yu/ 108.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

САЙДАХМЕДОВ УМИД МУРОДОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВЛАРДАН
Фойдаланишнинг Халқаро-Ҳуқуқий жиҳатлари**

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Yu289 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.uzmarkaz.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобоқулов Иномжон Ибрагимович
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саидова Лола Абдувахитовна
юримдик фанлар доктори

Юнусов Хайдарали Муротович
юримдик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/27.02.2020.Yu.108.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» май куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳар, Катта дархон, 6. Тел.: (99871) 234-56-02; e-mail: yurmarkaz@adliya.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4809-рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100052, Тошкент шаҳар, Катта дархон, 6. Тел.: (99871) 234-56-02).

Диссертация автореферати 2021 йил «3» май куни тарқатилди.

(2021 йил «3» майдаги 3 рақамли реестр баённомаси).



А.А.Оғажонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, юримдик фанлар
доктори, профессор

Ш.П.Раҳманов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, юримдик фанлар
номзоди

М.А.Гиллабоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, юримдик фанлар доктори
(DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда трансчегаравий сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни бошқариш муҳим аҳамият касб этмоқда. Сув – барча тирик мавжудотнинг ва инсоният цивилизациясининг асосларидан биридир. Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари илмий доиралар, мутахассисларнинг диққат эътиборида бўлмоқда. Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш муаммоларини бартараф этиш мақсадида минтақа давлатлари томонидан халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликда муаммоларни ҳал этишнинг оқилона йўллари қидирилаётган, тегишли таклиф-тавсиялар илгари сурилаётган, турли тадбирлар, конференциялар ўтказилаётган бўлса-да, минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг халқаро-ҳуқуқий ечими топилганича йўқ. Мазкур жараёнда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш долзарблик касб этмоқда.

Жаҳонда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммоларини илмий жиҳатдан ҳал этиш бугунги кунда долзарб бўлиб, трансчегаравий сувлардан фойдаланишда низоларни келиб чиқишини олдини олишнинг юридик механизмларини такомиллаштириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, соҳадаги халқаро нормалар ва принципларни комплекс тадқиқ қилиш, бу борада трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар тавсияларининг миллий даражада бажарилишини таъминлаш, трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий принципларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, трансчегаравий сувлар оқиб ўтадиган давлатларнинг сув ва сувдан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини унификация қилиш юзасидан илмий тадқиқотларни олиб бориш зарурияти келиб чиқмоқда.

Республикамизда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмлари ва сувдан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашини¹ таъкидлаган эди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» доирасида атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги

¹Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги (2017 йил 19 сентябрь) нутқи // www.president.uz. <http://prezident.uz/uz/lists/view/1063>

ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича халқаро нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, бу борада халқаро ва минтақавий халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик масалаларини комплекс таҳлил қилиш назарда тутилган. Шу боис минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида 1992 йил 18 февралда Олмаотада имзоланган «Давлатлараро сув манбаларининг сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва фойдаланишни биргаликда бошқариш тўғрисида»ги, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон Республикалари, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида 1993 йил 26 мартда Қизил Ўрдада имзоланган «Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол ҳавзасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва экологик соғломлаштириш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар тўғрисида»ги шартномалари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро ҳуқуқда Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ўзбекистонда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари, тарихи, улардан фойдаланиш соҳасида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг назарий-методологик томонлари, халқаро-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш масалалари А.Х. Саидов, С.М. Адилходжаева, М.Х. Аширбаева, В.А. Духовный, Д.Р. Зиганшина, Б.И. Исмаилов, А.Р. Мўминов, Ю.Х. Рысбеков, А.Ю. Рысбеков, О.Р. Сулаймонов, Ҳ.М. Юнусов ва А.Қодировларнинг тадқиқотларида, шунингдек

Б.Б. Алихонов, Т.Камолов, Ш.Толиповларнинг илмий ишларида ўз аксини топган².

Ҳамдўстлик давлатларида, трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари атрофлича илмий тадқиқ этилганлигини эътироф этиш мумкин. Хусусан, трансчегаравий сув оқимларидан давлатлар манфаатларини эътиборга олган ҳолда оқилона, адолатли ва мақсадли фойдаланишга оид муаммолар М.А. Аминджанов, Х.О. Арифов, Б.А. Искандархонова, Ш.И. Исмаилов, У.А. Мансуров, С.Д. Махкамбаев, М.А. Солихов, С.А. Раджабов, А.П. Холматов, А.К. Абылгазиева, Э.Э. Оролбаев, Т.Т. Сарсембеков, Т.Баймухамбетов, Г.Е. Бердыгулова, Т.А. Ормышевлар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишнинг тарихий, халқаро-ҳуқуқий, сиёсий, экологик жиҳатларига алоҳида эътибор берилган. П.Казанский, Ф.Бербер, Б.М. Клименко, Ю.Я. Баскин ва Д.И. Фельдман, С.А. Гуреев, И.Н. Тарасова, А.К. Biswas, Г.В. Воропаев, Р.Н. Gleick, В.И. Данилов-Данилян, А.Е. Кожакон, Р.Ю. Новиков, Е.Г. Понамарева, Г.А. Рудов, М.Falkenmark, М.А. Халил каби олимлар ва тадқиқотчиларнинг ишлари бунинг далилидир. Хусусан, Р.Н. Gleick, А.К. Biswas томонидан трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг таснифи, халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш маълум даражада тадқиқ этилган.

Бироқ, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари, минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланишни тартибга солиш, минтақа давлатларининг бу соҳадаги ҳамкорлиги каби масалалар комплекс тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Судьялар олий мактаби илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-079 «Трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид халқаро-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан оқилона ва адолатли фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Халқаро ҳуқуқда трансчегаравий сувлар тушунчаси ва таснифини ўрганиш;

трансчегаравий сувлардан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий табиати ва классификациясини тадқиқ этиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

²Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид илмий қарашларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари, принциплари, механизмлари ва режимларини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва ролини ўрганиш ҳамда уларнинг ташкилий-институционал механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда минтақада бу борадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда минтақа давлатлари ҳамкорлигининг замонавий ҳолатини ўрганиш ҳамда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий нуқтаи назари ва ташаббусларини тизимлаштириш, шунингдек минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид халқаро ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объектини Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудидаги трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш борасидаги халқаро-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети трансчегаравий сувлардан фойдаланишдаги муаммоларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, халқаро тажриба, минтақа давлатларининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги билан боғлиқ муаммолардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, юридик-техник, эмпирик материал, тарихий-ҳуқуқий ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, мантиқийлик усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

трансчегаравий сув ресурслари (ер усти ва ер ости сувлари)дан фойдаланиш, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш, сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари рўйхати, сув объектларини фойдаланишга бериш, сув олиш лимитларини тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органларининг вазифа ва ваколатларини тартибга солиш зарурати асослантирилган;

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизми сифатида «Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий дастур» ишлаб чиқиш зарурияти асослантирилган;

трансчегаравий сувлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциялари нормалари ва тамойиллари («ҳамкорлик қилишнинг умумий мажбуриятлари», «адолатли ва оқилона фойдаланиш ҳамда иштирок этиш» ва «зарар етказмасликнинг мажбурийлиги») ҳамда жавобгарлик (экологик зарар учун молиявий жавобгарлик)ни БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларида янада аниқ акс эттириш асослантилган;

Марказий Осиё минтақасидаги Сирдарё, Амударё ва бошқа трансчегаравий дарёларда мониторинг тизимини такомиллаштириш, ҳамкорликда сувни назорат қилиш ва мониторингини юритиш ҳамда очик маълумотлар алмашиш тизимини ташкил қилиш лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«трансчегаравий сувлар», «трансчегаравий сув оқимлари», «халқаро сув оқимлари» ва «халқаро аҳамиятга эга сувлар» тушунчаларининг моҳияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари назарий-методологик асосларга таянган ҳолда очиқ берилган;

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий режимларини янада такомиллаштириш, халқаро сув оқимларининг сув, энергетика ресурсларидан мақбул ва оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, сув ресурсларини биргаликда бошқариш ҳамда сақлашнинг мавжуд минтақавий институтционал ва ҳуқуқий механизмларини кучайтириш, Орол денгизининг қуриши оқибатларини юмшатиш, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида минтақа давлатлари Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда Афғонистон Ҳукуматлари ўртасида Амударё ҳамда Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Конвенциялар лойиҳалари ишлаб чиқилган;

икки томонлама сув муносабатларини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ривожлантириш мақсадида минтақа давлатлари ўртасида сув хўжалиги масалалари бўйича ҳамкорликдаги ҳукуматлараро комиссиялар тўғрисида Битимнинг наъмунавий лойиҳаси ишлаб чиқилган;

минтақа давлатлари ўртасида сув соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, сув ресурслари билан боғлиқ умумий муаммоларни ҳал қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган «Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш минтақавий дастури» лойиҳаси ишлаб чиқилган;

сув ва сувдан фойдаланишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини янада такомиллаштириш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837-ХП-сон қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илғор ҳамда ижобий тажрибалари, халқаро суд амалиёти, эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили натижаларини умумлаштириш орқали асосланган, унда чиқарилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид назарий-методологик қарашларни бойитишда, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро ва миллий қонунчилик нормалари ҳамда уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, соҳага оид тегишли қонунчиликни шарҳлашда, норма ижодкорлиги жараёнида, «Халқаро оммавий ҳуқуқ», «Халқаро дарё ҳуқуқи», «Халқаро ҳуқуқнинг долзарб муаммолари» фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида илмий изланишлар олиб бориш ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган амалий хулоса ва тавсиялар, илмий қоидалар минтақада трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланиш борасида давлатлараро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишида, қонун ижодкорлиги фаолиятида, мазкур соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишда фойдаланилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

трансчегаравий сув ресурслари, яъни ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланиш, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш, сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари рўйхати, сув объектларини фойдаланишга бериш, сув олиш лимитларини тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органларининг вазифа ва ваколатларини тартибга солишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837-ХП-сон қонуни 8-, 9-, 21-, 27-, 30-, 41-, 64-, 65-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 18 августдаги 07/1-67-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 19 августдаги 12-сон маълумотномалари). Мазкур таклифлар сув ва сувдан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда уни муҳофаза қилишни янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмларини ишлаб чиқишга оид таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–6024-сон Фармонининг 5.10-банди ҳамда мазкур фармоннинг 2-Иловаси билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларни 2020 – 2030 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харита»нинг 33–35-бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ахборт-таҳлил ва ресурс марказининг 2020 йил 8 октябрдаги 111/20-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 04/20-3107-сон маълумотномалари). Ушбу таклифлар минтақа давлатлари томонидан трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида механизмларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

трансчегаравий сувлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциялари нормалари ва тамойиллари («ҳамкорлик қилишнинг умумий мажбуриятлари», «адолатли ва оқилона фойдаланиш ҳамда иштирок этиш» ва «зарар етказмасликнинг мажбурийлиги») ҳамда жавобгарлик (экологик зарар учун молиявий жавобгарлик)ни БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларида янада аниқ акс эттиришга оид таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–6024-сон Фармонининг 5.10-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 04/20-3107-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялар минтақа давлатлари томонидан трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли ва самарали фойдаланишда ўзаро халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилган;

Марказий Осиё минтақасидаги Сирдарё, Амударё ва бошқа трансчегаравий дарёларда мониторинг тизимини такомиллаштириш, ҳамкорликда сувни назорат қилиш ва мониторингини юритиш ҳамда очик маълумотлар алмашиш тизимини ташкил қилишга оид таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–6024-сон Фармонининг 5.10-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 04/20-3107-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар минтақадаги трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланишда сув сарфини назорат қилиш ва мониторингини юритишга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 2 та халқаро, 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан 1 та монография, диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 12 та (шундан 2 таси хорижда), тўпламларда 9 та мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Халқаро ҳуқуқда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг назарий ва методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида халқаро ҳуқуқда трансчегаравий сувлар тушунчаси ва таснифи, трансчегаравий сувлардан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий табиати ва классификацияси, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид илмий қарашлар ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазаларига таяниб тадқиқ этилган.

Диссертант халқаро ҳуқуқда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг шаклланиши, трансчегаравий сувлар тушунчаси, уларнинг таснифи, назарий ҳамда ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишда мазкур соҳанинг ривожланиши билан халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тизимида «трансчегаравий сувлар» тушунчасига ойдинлик киритиш заруратини илмий асослаб берган. Бугунги кунда «трансчегаравий сувлар» тушунчасининг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий қонунчилик ва олимларнинг илмий ишларида турлича қўлланилиши ва талқин этилиши оқибатида трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона ҳамда адолатли фойдаланишда турли келишмовчиликлар ва зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Мазкур атамаларнинг марказида «трансчегаравий сувлар» тушунчаси ўрин эгаллаган бўлиб, қолган тушунчалар унинг асосида шакллантирилади. Аммо мазкур атаманинг тугал ҳуқуқий жиҳатдан асосланган таърифи ишлаб чиқилмаганлиги бу борада турли талқинларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотда қатор олимлар А.С. Danta, F.Lawson, М.В. Некотенева, С.Д. Махкамбаев, М.Н. Копылов, С.А. Мохаммад, С.А. Гуреев, И.Н. Тарасова, Г.Г. Шинкарецакая, Я.Броунлиларнинг соҳага доир ишланмалари таҳлил қилиниб, «трансчегаравий сувлар» тушунчасининг моҳиятини таҳлил қилишга эътибор қаратилган ҳолда, унга берилган таърифларни икки гуруҳга: 1) халқаро ташкилотлар ва бошқа расмий институтлар томонидан ишлаб чиқилган, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган таъриф; 2) олимлар, мутахассислари ва тадқиқотчиларнинг тадқиқотлари асосида берилган илмий-назарий таърифларга ажратилади. Таъкидлаш жоизки, «трансчегаравий сувлар» тушунчасига берилган таърифлар узил-кесил эмас, албатта. Хусусан, Ф.М. Джабборов ўз илмий тадқиқот ишида халқаро шартномалар ва илмий адабиётларни таҳлил қилган ҳолда трансчегаравий сув оқимлари тушунчасига қуйидаги таърифни беради: «Трансчегаравий сув оқими – бу доимий ҳаракатланиши натижасида икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудини кесиб ўтадаган ёхуд уларни ажратадиган табиий ёки сунъий ер ости ва ер усти сув тизимларидир». Бу фикрга қўшилиб, уни тўлдирган ҳолда биз *«Трансчегаравий сув оқими – бу доимий ҳаракатланиши натижасида икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудини кесиб ўтадаган ёки уларни ажратадиган ҳамда баъзида уларнинг чегараларини белгилайдиган табиий ёки сунъий ер ости ва ер усти сув тизимларидир»* деган таърифни беришни лозим топдик. Шу маънода диссертант бу таърифни келгусида илмий изланиш ва тадқиқотлар қаторини янада бойитади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, диссертацияда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталинар экан, ҳозирги кунда замонавий халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши жараёнида халқаро сув ҳуқуқининг алоҳида соҳа ёхуд институт сифатида шаклланаётганлиги ҳамда намоён бўлиши масаласига урғу берилди. Бу борада мавжуд тадқиқотларга ҳамда мазкур соҳадаги норма ижодкорлиги фаолияти, унинг халқаро оммавий ва хусусий-ҳуқуқий томонларини, мазкур масалада ривожланаётган халқаро сув ҳуқуқининг махсус тамойилларини таҳлил этган ҳолда унинг алоҳида соҳа сифатида шаклланиш жараёнининг тугалланмаганлиги таъкидланди. Мазкур ҳолат ушбу мавзуда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилишига туртки бўлмоқда.

Диссертант томонидан трансчегаравий сувлардан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, бу борада Марказий Осиё мамлакатлари томонидан тузилган ҳамда имзоланган икки ва кўп томонлама шартномалар, уларнинг амал қилиш доираси ва ҳудуди, таснифи таҳлил этилган. Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича, халқаро-ҳуқуқий механизмлар асосан уч йўналишда амалга оширилган, яъни биринчи, трансчегаравий аҳамиятга эга сув оқимларидан фойдаланишда вужудга келадиган муайян масалаларни ҳал этиш мақсадида халқаро конвенциялар, давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали; иккинчи, давлатларнинг амалда бўлган халқаро шартномарга қўшилиши орқали; учинчи йўналиш сифатида бу соҳасидаги асосий нормалар ва

тамойилларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўли билан олиб борилиши белгиланди.

Таҳлиллар асосида N.Kofele-Kale, F.Austo Mendanha Gonzaga, Ch.Bourne, Ю.Х. Рысбеков, Ф.М. Джабборовларнинг илмий ишларини ўрганиш натижасида трансчегаравий сувлардан фойдаланишдаги ҳамкорликка оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни тартибга солиш объектига кўра тадқиқотчи томонидан икки гуруҳга бўлинди: трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқ нормаларида тартибга солинган ва ақс эттирилган биринчи гуруҳ умумий характердаги халқаро-ҳуқуқий шартномалар, ва иккинчиси – бу борада Марказий Осиё мамлакатлари томонидан имзоланган икки ва кўп томонлама алоҳида махсус тартибга солинадиган халқаро-ҳуқуқий шартномалар гуруҳи.

Тадқиқотчи томонидан ҳозиргача қабул қилинган трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид муҳим халқаро-ҳуқуқий нормалар таснифланди. Шунингдек, С.А. Гуреев, И.Н. Тарасова, В.В. Гуцуляк, Ҳ.М. Юнусов, А.Р. Мўминовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, бу борада ҳамкорликдаги халқаро конференцияларнинг аҳамиятига урғу берилди. Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг шаклланиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожлана бориб, мазкур ҳамкорлик давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган халқаро конференциялар кўринишида ўтказилган, унинг натижалари халқаро-ҳуқуқий актлар, Конвенциялар, Декларациялар ва бошқа нормалар тусини олган. Бу эса мазкур йўналишдаги халқаро ҳамкорлик асосларининг такомиллашувига олиб келмоқда.

Шунингдек, диссертент томонидан мазкур нормаларнинг давлатлар томонидан ижросига бевосита таъсир этишида уларнинг «Юмшоқ ҳуқуқ» характерга эгаллигига урғу берилди. Ушбу ҳуқуқий нормалар халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан ҳуқуматлараро конференцияларда муҳокама қилинганидан сўнг қабул қилиниши таъкидлаб ўтилди.

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид илмий қарашларнинг халқаро, минтақавий ҳамда миллий олимлар Stephen McCaffrey, Daniel Farinotti, Gabriel Eckstein, Jacques Barrat, А.Х. Саидов, С.М. Адилходжаева, Б.Б. Алихонов В.А. Духовный, Б.И. Исмаилов, Ю.Х. Рысбеков, Ҳ.М. Юнусов, Н.Умаровлар томонидан ўрганилганлиги, трансчегаравий сувлардан фойдаланишда барча олиб борилаётган ҳар қандай ишлар, йирик гидроэнергетик иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш каби масалаларга оид олимлар, мутахассислар ҳамда тадқиқотчиларнинг фикрлари ўрганилиб, таҳлил қилинди ва бу асосда тегишли илмий хулосалар қилинди. Диссертацияда минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланишдаги мавжуд муаммолар тўғрисида фикр юритилар экан, уларни бартараф этишда давлат, унинг идоралари ҳамда мазкур йўналишда фаолият юритувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ва, албатта, илмий ва амалий тадқиқотларнинг роли муҳимлиги таъкидланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари ва механизмлари**» деб номланган бўлиб, унда Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари, принциплари, механизмлари ва режимлари, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли таҳлил қилинган.

Трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари деганда, мазкур дарёлардан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек минтақа давлатлари томонидан тузилган икки ва кўп томонлама шартномалар назарда тутилиши, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992 йил 17 мартдаги «Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича» ҳамда 1997 йил 21 майдаги «Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида»ги Конвенцияларида сув ҳуқуқининг асосий принцип ва қоидалари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида ҳам бугунги кунда трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойилларини қўллашда турли қарашларнинг мавжудлиги баъзи тушунмовчиликларни келтириб чиқараётганлиги, шу сабабли, биринчи ўринда минтақа давлатлари ва халқларининг тарихий кўшничилиги, миллий ва диний бирлиги каби омиллар билан мустаҳкам бўлиши каби масалалар ўрганилди. Тадқиқот жараёнида Stephen McCaffrey, Gabriel Eckstein, M.M. Rahman, Б.М. Клименко, А.Х. Саидов, С.Д. Махкамбаев, Ҳ.М. Юнусов, А.Р. Мўминов, Д.Р. Зиганшиналарнинг ишланмалари таҳлил қилиниб, мазкур йўналишда икки ва ундан ортиқ давлатлар ҳудудидан оқиб ўтувчи трансчегаравий сувлар ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни бошқариш борасидаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш долзарблиги таҳлил қилинган.

Минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг режимлари халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қай тартибда ва қандай ёритилганлиги, минтақадаги мавжуд трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва бошқаришда иштирок этадиган институтлар, яъни Амударё ва Сирдарё ҳавза сув хўжалиги бирлашмалари, Марказий Осиё мамлакатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссияларнинг бу борадаги ўрни ва роли, уларнинг ҳуқуқий мақоми, бугунги кунда Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда келиб чиқаётган муаммоларни бартараф этишдаги уларнинг иштироки каби масалалар таҳлил қилинди. Тадқиқотда улар фаолиятининг ҳадли шаклини кенгайтирган равишда, халқаро-ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда самарали ҳамкорликни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва институционал жиҳатларига эътибор қаратилди.

Диссертант томонидан Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда халқаро универсал ташкилотлар БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа кўплаб халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларнинг бу борадаги ўрни, улар томонидан бу каби муаммоларни ечишда берилаётган амалий таклифлари комплекс тарзда назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган. Бу борада муайян минтақавий ташкилотлар билан муаммоларни бартараф этиш бўйича мавжуд амалий ҳамкорликнинг назарий ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Диссертант Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда халқаро ташкилотлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, бу борада кўп томонлама ҳамкорликнинг истиқболларига урғу беради. Хусусан, трансчегаравий сувлардан фойдаланишда юзага келаётган тушунмовчиликларни ҳал этишда халқаро ташкилотларнинг роли ва ўрнини янада ошириш масаласи тадқиқ этилган.

Диссертацияда халқаро ташкилотлар шафелигида Амударё ва Сирдарё каби трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича кўп томонлама шартномалар ва «Йўл харита»лари тузилишининг аҳамияти таҳлил қилинган.

Ишнинг учинчи боби «**Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда давлатлараро ҳамкорликнинг истиқболлари**» деб номланиб, унда трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид халқаро тажриба, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда минтақа давлатлари ҳамкорлигининг замонавий ҳолати ва минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланишда Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий нуқтаи назари ҳамда ташаббуслари тадқиқ этилган.

Тадқиқот жараёнидаги изланишларда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда халқаро тажриба ҳамда бу борада халқаро суд амалиёти, яъни халқаро судларда кўрилган кейслар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Хусусан, айнан бир иш юзасидан, яъни Венгриянинг Словакияга қарши Габчиково-Надьмарош лойиҳаси бўйича халқаро суд иши таҳлил қилинди. Мазкур Венгрия ва Словакия ўртасидаги Дунай дарёси оқимида ГЭС қурилиши билан боғлиқ низо «Габчикова-Надьмарош» (Gabčíkovo-Nagymaros) суд иши бевосита бугунги кунда Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид ўзаро зиддиятларга ўхшашлиги, шу сабабли минтақада трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан фойдаланишда муаммони бартараф этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, бугунги кунда минтақа давлатларининг трансчегаравий сувлардан фойдаланишдаги ҳамкорлиги таҳлил қилинган. Минтақа давлатларининг трансчегаравий сувлардан фойдаланишдаги қарашлари, икки ва кўп томонлама шартномаларга амал қилиш доираси, бу борадаги қарашлари ҳамда тенденциялари таҳлил қилиниб, диссертант томонидан минтақа давлатларининг келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни олдини олиш борасида шартномавий-ҳуқуқий тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, илмий-назарий, норматив-ҳуқуқий ҳамда амалий жиҳатлари шакллантирилган. Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда Марказий Осиё мамлакатлари ҳуқуқий

ҳамкорлигининг замонавий ҳолати бўйича олиб борилган тадқиқотлар, олимлар ва мутахассислар С.М. Адилходжаева, Б.И. Исмаилов, А.Р. Мўминов, Ҳ.М. Юнусов, Ю. Рысбеков, С.С. Жильцов, М.А. Аминджанов ва Ф.М. Джабборовларнинг фикрлари таҳлил қилинган ҳолда, трансчегаравий сувлардан фойдаланишда минтақа давлатларининг ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланишда тадрижий равишда ўзининг ҳукумат ва расмий вакиллари томонидан турли халқаро даражадаги анжуман, учрашувларда билдирган халқаро-ҳуқуқий нуқтаи назари ва ташаббуслари таҳлил қилинган. Хусусан, мазкур халқаро-ҳуқуқий нуқтаи назар бу каби муаммоларнинг авж нуқтасига чиққан даврлари, яъни 2005-2015 йилларда қандай бўлганлиги ҳамда давлат раҳбари сифатида Ш. Мирзиёевнинг сайланишидан сўнг қарашлар, хусусан, уларнинг ташаббуслари билан трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмлари ва сувдан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда илгари суриш йўналишини амалга ошириш бўйича қилинаётган ишлар таҳлил қилинган. Шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, минтақавий ва глобал даражада гидрологик балансни сақлаш, сув ресурсларини асраш ва тежаш, сувдан фойдаланиш ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш – Ўзбекистон Ҳукумати томонидан илгари сурилаётган амалий таклифларнинг бугунги кунда мамлакатда қай даражада амалга оширилаётганлиги таҳлили берилган.

Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш турли соҳа олимлари А.Х. Саидов, М.Х. Аширбаева, В.А. Духовный, Д.Р. Зиганшина, Б.И. Исмаилов, Ҳ.М. Юнусов, А.Р. Мўминов, Ю.Х. Рысбеков, О.Р. Сулаймонов, М.А. Аминджанов, Х.О. Арифов, С.Д. Махкамбаев, Т.Т. Сарсембеков, Т.Баймухамбетов, Т.А. Ормышевалар диққат эътиборидаги асосий масалага айланганлиги, сув ва экология масалалари бўйича халқаро анжуманлар, илмий-амалий семинарлар, форумлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларнинг ташкил этилиши глобал миқёсда мулоҳаза қилиш ва фикр алмашиш имконини бериши, ва бу борада бир неча муҳим халқаро анжуманлар ташкил этилаётганлиги таъкидланган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий ва институционал механизмларини комплекс тарзда ҳал этиш зарур. Бу, ўз навбатида, мазкур соҳада янада чуқурроқ тадқиқотлар олиб борилишига туртки бўлади.

Диссертациянинг хулоса қисмида асосий илмий натижалар (хулоса, таклиф ва тавсиялар) келтирилган.

ХУЛОСА

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари борасида ўтказилган диссертация тадқиқоти қуйидаги бир қатор хулосалар чиқаришга имкон берди:

I. Илмий-назарий билимларни бойитишга қаратилган хулоса ва тавсиялар:

1. Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг назарий-методологик асослари халқаро-ҳуқуқий доктриналар, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда илмий қарашлар асосида кўриб чиқилиб, халқаро аҳамиятга эга сувлар ҳамда трансчегаравий сув оқимлари тушунчаларига нисбатан янги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

халқаро аҳамиятга эга сувлар – икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган, кесиб ўтадиган ёки чегаралайдиган уларнинг ўзаро табиий ҳамда сунъий боғлиқлиги туфайли яхлит бўлган ва, одатда, умумий тугашига эга бўлган ер ости ва ер усти сувларидир;

трансчегаравий сув оқими – бу доимий ҳаракатланиши натижасида икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудини кесиб ўтадаган ёки уларни ажратадиган ҳамда баъзида уларнинг чегараларини белгилайдиган табиий ёки сунъий ер ости ва ер усти сув тизимларидир.

2. Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишнинг тарихий ёндашуви ва ривожланиши шароитида ўрганиш минтақада трансчегаравий сувлардан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фойдаланишнинг шаклланиши ҳамда ривожланишини тўрт босқичга ажратиш имконини берди: *биринчи босқич – собиқ Иттифоқ босқинига қадар даврни, иккинчи босқич – Совет даврини, учинчи босқич – 1992-2016 йилларни қамраб олади, тўртинчи босқич – 2017 йилдан - ҳозиргача.*

3. Халқаро сув ҳуқуқининг манбалари қуйидагилардир: халқаро урф-одатлар, халқаро шартнома, халқаро ҳуқуқнинг умумий принциплари, халқаро ташкилотлар ва органларнинг қарорлари, халқаро оммавий ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ, халқаро сув ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислар ва олимларнинг доктриналари, сув ва сувдан фойдаланишни тартибга солувчи миллий қонунчилик.

4. Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан оқилона ва адолатли фойдаланишнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини икки гуруҳга бўлиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Биринчи гуруҳ – трансчегаравий сувлардан адолатли ва самарали фойдаланишни тартибга солувчи универсал характердаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (конвенциялар, протоколлар, меморандумлар); иккинчи гуруҳ – Марказий Осиё мамлакатларининг минтақадаги трансчегаравий сувлардан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган икки ва кўп томонлама шартнома ҳамда битимлар.

5. Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норма

ижодкорлигининг муҳим омили халқаро конференциялар (суб форумлари кабилар) ҳисобланади. Конференцияларнинг натижалари трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид халқаро муносабатларнинг ҳужжатлар шаклидаги ҳуқуқий тартибга солишнинг ажралмас механизми ҳисобланиши лозим.

